

ХАМКОРЛИК ШАРТНОМАСИ № 5-МС

« 31 » 01. 2022 йил

Фарғона и.

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилувчи **Фарғона вилояти автомобиль йўллари бош бошқармаси** номидан бошқарма Устави асосида иш юритувчи бошқарма бошлиғи О.Назиров биринчи томондан ва иккинчи томондан «Пудратчи» деб юритилувчи **Риштон туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси** номидан корхона Устави асосида иш юритувчи корхона директори Ў.Акбаров аниқ манзил ва йўл ишлари руйхатида тасдиқланган 186 км узунликдаги умумфойдаланувдаги автомобил йўлларини сақлаш ишларини ва йўллардан фойдаланиш ҳолатини ташкил қилиш бўйича пудрат шартномасини туздик.

I. Умумий бўлим.

Пудратчининг мазкур шартнома шартлари асосида автомобил йўлларини сақлаш, таъмирлаш ва йўл хизмати кўрсатадиган махалий ахамиятидаги автомобил йўллари 186 км.

II. ШАРТНОМА МАҚСАДИ.

2.1 «Буюртмачи» **Фарғона вилояти автомобиль йўллари бош бошқармаси** пудратчи **Риштон туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси**га 186 км махалий ахамиятдаги умумфойдаланувдаги автомобил йўллари ва улардаги иншоотлар йўл жихозлари ва унинг барча молмулкини Ўзбекистон Республикасининг «Автомобил йўллари тўғрисида»ги конунининг 8-моддасига асосан сақлаш, таъмирлаш, ривожлантириш ва такомиллаштириш хамда йўл хизмати курсатиш учун топширади. «Пудратчи» эса корхона Уставида унга берилган ваколатлар доирасида мазкур шартнома мажбуриятларини бажаришни уз зиммасига олади ва йўл хизматининг Автомобиль йўллари Кўмитаси олдидаги мажбуриятлари тўғрисидаги ижро хужжатларига катъий риоя киласи.

III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ ВА МУДДАТИ.

3.1 Шартнома баҳоси «Корхона» нинг 2022 йил тасдиқланган йўл ишлари чекланган харажатлар сметаси ва лойихавий смета хужжатларида кўрсатилган 556 335 000 сум (беш юз элик олти миллион уч юз ўттиз беш минг сўм) ҳажмини ташкил этади.

3.2 Мазкур шартноманинг амал килиш муддати 31 декабр 2022 йилгача.

IV. ПУДРАТЧИННИГ ХУҶУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

4.1 Пудратчи автомобил йўлларидан фойдаланишининг барча тармоғида ва сунъий иншоотларида (тоннелларда) транспорт воситаларини хавф-хатарсиз харакатланиши узлуксизлигини таъминлаш.

Биректирилган умумий фойдаланишдаги автомобил йўллари тармоғини сақлаш хизматини доимий равиша узлуксиз иш хафтаси асосида ташкил этиш, ҳар кунги катновни, йилнинг ҳар қандай фаслида транспорт воситалари харакат хавфсизлигини тўлиқ таъминлаш;

Умумий фойдаланувдаги автомобил йўлларининг барча қисмида катнов ҳолатини доимий сақлаш учун комплекс ишларини тез ва сифатли бажариш.

Табиий оғат, авария ва бошка фавқулотда ҳоллар юз берганда йўллардаги транспорт харакати вақтинча тухтатганда, тезда уни бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш;

Биректирилган автомобил йўллар тармоғи ва ундаги сунъий иншоотларда (тоннел) доимий равиша назорат олиб бориш, йўл тармоғи тўғрисидаги йигиладиган барча маълумотлар захирасини яратиш;

Биректирилган автомобил йўлларида кундалик кўрикни ташкил этиш, кўрик журналларида аникланган нуқсонларни ёзиб бориш ва доимий равиша харакат қатнови жадаллигини хисоблаб бориш;

Йўлларни сақлаш ишларини эстетик ва экологик меъёrlарга катъий амал килган холда бажариш;

Биректирилган автомобил йўллари тармоғини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг истиқбол концепциясини ишлаб чикиш;

Автомобил йўлларини сақлаш ва таъмирлашда маблағ воситаларини ишлатилишини доимий таҳлилини амалга ошириб бориш;

4.2 Пудратчи махалий ахамиятдаги йўлларда тасдиқланган смета хужжатлари асосида сақлаш ишларини сифатли қилиб бажариб, «Буюртмачига» га белгиланган тартибда тегишли хужжатлар асосида топширади;

4.3 Бириктирилган махаллий ахамиятдаги автомобиль йўлларида бажарилган сақлаш ишларига лойиха смета хужжатларига асосан йўналтирилган маблағларни мақсадли сарфланишига жавобгардир.

4.4 Пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузишни «Буюртмачи» нинг ёзма равишда рухсати билан амалга оширади.

4.5 Сақлаш ишларини бажариш даврида техника хавфсизлиги, атроф мухитни, йўл минтакасини муҳофаза килиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш;

4.6 Ўзига бириктирилган умумфойдаланувдаги автомобиль йўлларида ва ундан сунъий иншоотларда унинг айби билан бажарилиши лозим булган ишлар бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги натижасида келиб чиккан оқибатлар учун жавобгарликни ўз зиммасига олади.

V. БУЮРТМАЧИННИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

5.1 «Буюртмачи» шартномада кўрсатилган ишлар бажарилиши устидан курилиш меёrlари ва қоидалари асосида доимий назоратни, мазкур шартномада кайд этилган “Пудратчи” томонидан умумфойдаланувдаги автомобиль йўлларини сақлаш бўйича мажбуриятларни назорат килиш ва пудратчидан бажарилган ишларни белгиланган муддатда қабул килишни таъминлайди.

5.2 «Пудратчи» нинг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул килиш.

5.3 Тасдиқланган смета харажатларига биноан «Пудратчи»га Молия вазирлиги маблағ ажратгандан сўнг аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

5.4 Сақлаш ишларини сифатли бажарилишини ва бажарилган ишларни қабул килиб олиш учун ўз вакилини яъни техник назоратчисини белгиланган ишларни қабул килиш муддатларида катнашишини таъминлаш.

5.5 Махалий ахамиятидаги автомобиль йўлларини тасдиқланган лойиха-смета хужжатлариган асосан сақлаш ишларига йўналтирилган маблағларни сарфланишини катъий назорат қилиш.

VI. ТЎЛОВЛАР ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР.

6.1 “Буюртмачи” “Пудратчи”га шартнома бўйича Вазирлар Махкамасининг 2020 йил 5 май кунги 123-сонли қарорининг 33 бўлими б бандига асосан умумфойдаланувдаги автомобиль йўлларини сақлаш ишларини молиялаштириш режалаштирилган ойлик хажмнинг 40 фоиз микдорида аванс маблағи билан (Молия вазирлиги томонидан аванс маблағи ажратилгандан сўнг Республика газначилиги орқали ҳар ойнинг 15-кунига қадар) таъминлайди.

6.2 Жорий молиялаштириш, бажарилган ишлар сифати текширилгандан сўнг, берилган авансни хисобга олган ҳолда ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофик бажарилган ишларнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 60 % гача доирасида амалга оширилади. Бунда “Буюртмачи” ва “Пудратчи” ўртасидаги узил-кесил хисоб-китоб қилиш “Буюртмачи” томонидан ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

6.3 “Буюртмачи” мазкур шартнома бўйича ўз зиммасидаги мажбуриятларини бажармаса, шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида “Пудратчи” бу хақида конун хужжатларида белгиланган тартибда “Буюртмачи”ни ёзма равишда хабардор қилган ҳолда шартномага ўзгаришишлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш хуқуқига эгадир. Бунда “Буюртмачи” “Пудратчи” томонидан бажарилган ишларни тегишли тартибда расмийлаштирган бўлса, бажарилган иш учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

6.4 “Пудратчи” мазкур шартнома бўйича ўз зиммасидаги мажбуриятларини бажармаса, шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида “Буюртмачи” бу хақида конун хужжатларида белгиланган тартибда “Пудратчи”ни ёзма равишда хабардор қилган ҳолда шартномага ўзгаришишлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш хуқуқига эгадир. Бунда бажарилган иш учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

6.5 Томонларнинг бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган такдирда айбдор томонга Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида» ги конуни 25-32 моддаларида назарда тутилган жарима санкциялари кўлланилади.

VII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ.

7.1. “Буюртмачи” сақлаш ишларини сифатли қилиб бажарилиши ва бажарилган ишларини қабул қилиб олиш учун ўз вакилини – техник назоратчини буйруқ асосида тайинлади, у “Буюртмачи” номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек, “Пудратчи” томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартига ва меъёрий хужжатларига мувофиклигини текширади.

7.2 Техник назоратчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўлик танишиш хуқуқига эгадир.

7.3 “Пудратчи” техник назоратчини бажарилган ишларини қабул қилиб олиш учун иш жойига бориши ва келиши учун транспорт воситаси билан таъминлайди. Техник назоратчи “Пудратчи” томонидан автомобиль йуллари холати бўйича ишларни амалга ошириш жараёнида пайдо бўладиган масалаларни хал қилиш учун техник кенгашга таклиф киритади, йигинларда мунтазам қатнашади.

7.4 “Пудратчи” мазкур шартноманинг 4-бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режа хамда жадвалига биноан ишларини бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

7.5 “Пудратчи” обьектда ишларни олиб бориш даврида давлат архитектура ва курилиш назорати органлари томонидан белгиланган чоралар тўғрисида “Буюртмачи”га маълумот беради ва унга риоя этилиши учун конун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

7.6 “Пудратчи” алоҳида масъулиятли конструкциялар ва ёпилиб кетадиган ишлар тугалланишига караб уларни тугалланишидан олдин “Буюртмачи” ни ёзма равищда хабардор килади.

7.7 Агар ёпилиб кетадиган ишлар “Буюртмачи”нинг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки кечикиб хабардор килинган бўлса, у холда “Пудратчи” “Буюртмачи”нинг кўрсатмасига мувофиқ ёпилиб кетадиган ишларни исталган кисмини ўз хисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

7.8 Агар “Буюртмачи” томонидан “Пудратчи” ва унинг суб пудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аникланса, у холда “Пудратчи” ўз кучлари билан таъмирлаш ишлари қийматини оширмаган холда ушбу ишларни таъмирлаш учун келишилган муддатда сифатли қилиб кайта бажаришга мажбурдир.

7.9 Ишлар бошланган пайтдан улар тугаллангунга қадар “Пудратчи” ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, “Буюртмачи” ва “Пудратчи”нинг ўзаро муносабатларида ахамиятга эга булган холлар ва холатлар акс эттирилади.

7.10 Агар “Буюртмачи” ишларни бориши ва сифатидан ёки “Пудратчи”нинг кайдларидан қоникмаса у холда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён килади.

7.11 Сифатсиз бажарилган иш хажми “Пудратчи”нинг хисобидан қопланади ва аникланган зарар “Пудратчи”дан ундирилади.

VIII. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧЛАР (ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР).

8.1 Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари, бошқа енгиб бўлмайдиган кучлар натижасида келиб чиқса ва бу холатлар мазкур шартноманинг бажарилшига бевосита таъсир этса (форс-мажор) томонлар бундан кисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги учун жавобгарликдан озод этиладилар.

8.2 Агар енгиб бўлмайдиган кучлар ёки унинг оқибатлари бир ойдан кўп вақт чўзилса у холда “Пудратчи” ва “Буюртмачи” ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун кандай чоралар курилишини мухокама қиласиладилар.

8.3 Агар томонлар икки ой ичida келиша олмасалар, у холда томонларнинг хар бири шартнома бекор килинишини талаб килишга хақлидир.

IX. ШАРТНОМА БЕКОР КИЛИШ.

9.1 “Буюртмачи”

А) Ишларни тугатишининг мазкур шартномада белгиланган муддати “Пудратчи”нинг айби билан узлуксизлиги таъминланмаганда, “Пудратчи” томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

9.2 “Пудратчи”

А) Ишларни бажарилиши “Пудратчи”га боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра “Буюртмачи” томонидан сабабсиз тўхтатиб кўйилганда;

Б) “Буюртмачи” томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда.

Шартнома бекор қилинганда “Буюртмачи” ва “Пудратчи”нинг қўшма қарорига кўра тугалланмаган ишлар бир ой муддатда иккинчи “Корхона”га берилади. “Буюртмачи” бажарилган ишлар қийматини “Пудратчи”га шартноманинг 5.1 бандига асосан расмийлаштирилган холда тўлаш мажбуриятини олади .

X. НИЗОЛАРНИ ХАЛ КИЛИШ ТАРТИБИ.

10.1 Шартномани бажаришда, уни ўзгартиришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган заарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалалар томонларнинг ўзаро келишувлари асосида хал этилади, агар бундай келишувнинг имкони бўлмаса Ўзбекистон Республикасининг амалдаги

қонунлари ва уларга мувофик равишда қабул қилинган норматив актлар асосида судга мурожаат қилиш йўли билан хал килинади.

XI. АЛОХИДА ШАРТЛАР.

11.1 Ушбу шартнома имзолангандан сўнг мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасида олдинги ёзма битимлар, оғзаки битимлар, ёзишмалар ва томонларнинг келишувлари ўз кучини йўқотади.

11.2 “Пудратчи” умумфойдаланувдаги автомобил йўллари ва ундаги сунъий иншоотларда, йўл бўлакларида хамда алохидаги кисмларига тегишли иш хужжатларини “Буюргачи”нинг ёзма рухсатисиз суб пудратчилардан ташкари бирон-бир учинчи томонга сотиши ёки бериш хукуқига эга бўлмайди.

11.3 Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошка барча холатлар амалдаги конун хужжатлар асосида хал килинади.

11.4 Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилади.

11.5 Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари ёки фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қарорларига асосан Автомобиль йўллари қўмитаси хамда Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан молиялаштиришга ўзгартиришлар киритилганда ёки нарх наво оширилган тақдирда, шартноманинг шартларига тегишли ўзгартиришлар киритиш Кўмита ва Молия вазирлиги томонидан тасдиқлангандан сўнг қўшимча шартнома тузиш йўли билан амалга оширилади.

11.6 Ушбу шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, Газначилик бошқармасида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилганидан сўнг қонуний кучга киради.

XII. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ:

«ПУДРАТЧИ»

Риштон туман йўллардан фойдаланиш
унитар корхонаси

Манзил: Риштон тумани

Шокирота кўчаси- 217

Тел./факс: 45-22-736

х/в: 22626000800213761009

Банк номи: ТИФ Миллий банк

Риштон бўлими

МФО: 00946

СТИР: 200181127

ИФУТ: 51123



Ў.Акбаров

«БЮОРТМАЧИ»

Фарғона вилояти автомобиль йўллари
бош бошқармаси

Манзил: Фарғона шаҳар

Аэропорт кўчаси 1- уй

Тел./факс: 226-39-46; 226-36-55.

ш/в: 304510860304017045163118001

Ташкилотнинг СТИРи : 200153714

ОҚЭД: 84130

ЯФХ: 23402000300100001010

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент
шахар Бош бошқармаси ҲҚҚМ

МФО: 00014

Газначилик бўлинмасининг
СТИРи: 201122919



Бошқарма бошлиги:
О.Назиров

Хукукий хуносат

Мен, ушбу шартномани хукукий экспертизадан ўтказдим. Мазкур шартномада курсатилган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг «Хужсалик юритувчи субектлар фаoliyatiининг шартномавий-хукукий базаси тутрисида»ги Конунга ва фуқоролик кодекси билан тартибга солинади хамда шартномада назарда тутилган тарафларнинг жавобгарлигини ва низоларни хал этиши юкорида зикр этилган конунлик таадбларига мос келади.

Хукуқшунос

А.Солиев

